

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎЛИЕВ ЖАМШИД РУЗИБОЕВИЧ

**α -АМИНОНИТРИЛЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси
02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences

Чўлиев Жамшид Рузибоевич

α -Аминонитриллар синтези ва уларни кимёвий таркибига кўра синфлаши 3

Чулиев Жамшид Рузибоевич

Синтез α -аминонитрилов и их классификации по химическому
составу..... 21

Chuliyev Jamshid Ruziboyevich

Synthesis α -aminonytriles and their classification based on chemical
composition..... 39

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.K.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎЛИЕВ ЖАМШИД РУЗИБОЕВИЧ

**α -АМИНОНИТРИЛЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ КИМЎВИЙ
ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЎ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/K258 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетидида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Кодиров Абдувахад Абдурахимович
кимё фанлари номзоди, доцент

Мамарахмонов Мухаматдин Хомидович
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори,
(PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Шавкат Вахидович
кимё фанлари доктори, профессор

Ахмадалиев Махамаджон
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.05.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «29» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мурабийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-44-02, факс (99873) 244-44-91)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (198 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мурабийлар кўчаси, 19-уй. Тел:(99873) 244-44-02, факс (99873) 244-44-91. e-mail: fardu_info@utmail.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил « » кунни таркатилди.
(2022 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



В.У.Хўжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
кимё фанлари доктори, профессор

М.Ё.Имомова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.В.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ва ўсимликларни ўстирувчи кимёвий препаратларнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши ушбу экинлардан юқори ҳосил олишнинг энг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кимёвий усуллар орқали синтез қилинган биологик фаол қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган стимуляторлар ўсимликларни ҳар хил касалликларга ва уларнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини оширади, экин маҳсулотлари ҳосилининг эрта етилишига, ҳосилдорликни ошишига катта замин яратади. Кимёвий синтез қилинган препаратларни қўллаш орқали мамлакатимиз ички бозорини ва ташқи бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг юқори навли сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда таркибида азот сақлаган бирикмалар ичида α -аминонитриллар мавжуд бўлиб, улар асосида олинаётган биологик фаол бирикмаларнинг тузилиши ва биологик фаолликларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, α -Аминонитриллар асосида олинган янги типдаги биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, синтез қилинган препаратларни кимёвий таркиби асосида синфлаш, ўсимликларни ҳар томонлама ўстирувчи биологик фаол кимёвий препаратларни синтезлаш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) да фойдаланиладиган товар қодини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда охириги йилларда аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, одамларнинг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат иқтисодиётини ва аҳоли соғлигини химоялаш борасида юқори биологик фаолликка эга бўлган α -аминонитриллар асосида биологик фаол препаратларнинг янги авлодини синтез қилиш, уларга ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамларини бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон «Ўзкимёсанот» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги»¹ Фармони, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” ҳамда VII “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аминонитриллар ва уларнинг ҳосилаларининг синтезини ўрганиш деярли 150 йилдан бери кимёгарларни кизиштириб келмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмаларининг янги авлодларини синтез қилиш борасида илмий изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – A.Saeed, K.-H. Lee, J. P. Michael, B. Mhaske, N.P. Argade, D. Seidel, Atta-ur-Rahman, J. A. Lambertson, W. R. Bowman, M. V. Rao, H. Fujioka, A. Kamal, K.L. Reddy, K. L. Dhar, M. Kurimoto, A. Cagir, Э.Э. Шульц, С.М. Адекенов ва бошқалар аминонитриллар ва уларнинг турли ҳосилалари синтези, модификацияси ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш билан шуғулланганлар.

Республикада мазкур йўналиш ривожига к.ф.д., проф. Х.М. Шахидоятов, к.ф.д., проф. Ч.Ш. Кадыров, к.ф.н., катта ил. ходим Н.И. Мукаррамов, к.ф.д., катта илмий ходим Б.Ж. Элмуродов ва бошқалар ўзларининг изланишлари асосида аминонитриллар ва улар ҳосилалари синтези, кимёвий ўзгаришлари ва тузилиши, ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш муаммоларини ҳал этишга катта ҳисса қўшганлар.

Товарлар кимёси фани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, к.ф.д., проф. И.Р.Аскарлов томонидан кашф этилган ва ушбу фан бўйича проф. Ш.М.Киргизов, доц. А.М. Джураев, т.ф.д., проф. К.М.Каримқулов, т.ф.д., проф. Л.Т.Пулатова, т.ф.д., проф. Х.Исаков, к.ф.н., доц. Н.Х.Тўхтабоев, к.ф.д., доц. М.М.Хожиматов, к.ф.ф.д. М.Х.Мамарахмонов, к.ф.ф.д. Н.Қ.Тулаков, к.ф.ф.д. Д.Т.Хасанова, т.ф.ф.д. Исломова С.Т., к.ф.ф.д. О.Ш.Абдуллоев ва бошқалар ўз илмий ишларини олиб борганлар.

Адабиётларда маълум бўлишича фақат ацетонциангидрин ва бензальдегидциангидриннинг алифатик ва ароматик аминлар билан реакциялари ўрганилган. Лекин, аминонитрилларнинг кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Шунингдек, таркибида фармакофор гуруҳлар тутган ва юқори биологик фаолликни намён қилган бирикмалар ва улар асосида олинган препаратларнинг ТИФ ТНда кодификация қилиниши бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИОТ-2016-7-21 “ α -Аминонитриллар асосида юқори самарали биологик фаол бирикмалар синтезини амалиётга жорий этиш” (2016-2017) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади α -аминонитриллар ва улар ҳосилаларини синтезлаш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича янги товар кодларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

α -Аминонитриллар қаторида биологик фаол моддалар синтезини амалга ошириш ва уларнинг биологик фаоллигини турли йўналишлар (стимуляторлик, гербицидлик ва фунгицидлик) бўйича синов амалиётларини ўтказиш;

циангидринларни турли алифатик, гетероциклик, ароматик моноаминлар ва алифатик диаминлар билан реакцияларини ўтказиш;

α -аминонитрилларни кислота ангидридлари ва хлорангидридлари билан реакцияларини амалга ошириш ҳамда реакцияни боришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

α -аминонитриллар ва уларнинг ҳосилаларини кимёвий таркибига асосланган ҳолда ТИФ ТН бўйича халқаро ташқи иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товар кодларини амалиётда фойдаланиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори биологик фаолликка эга бўлган N,N-бис(α -цианизопропил)этилендиамин, N,N-бис(α -цианбензил)-анилин ва N,N-диметиламинобис-(α -цианбензил)этилендиаминлар ва уларни янги ҳосилалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини N,N-бис(α -ианизопропил)этилендиамин, N,N-бис(α -цианбензил)анилин, N,N-диметиламинобис(α -цианбензил)этилендиаминларнинг реакция маҳсулоти бўлган N-моноацил-,N-бис(α -цианизопропил)этилендиамин, N,N-диацил-бис(α -цианизопропил)-этилендиамин, N-монобензил-N-бис(α -цианизопропил)этилендиамин, N-ди-бензоил-N-бис(α -цианизопропил)этилендиамин ва уларнинг карбонилли бирикмалар билан реакция маҳсулотларини олишнинг шароитлари, реакция маҳсулотининг унумига таъсир этувчи омилларни, ҳамдауларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини бажаришда ИК-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (юпка катламли хроматография (ЮКХ), колонкали) ва биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор алифатик аминлар билан реакциялари олиб борилиб, N,N-диметиламинобензальдегидциангидрин синтез қилинган;

N,N-бис(α -цианизопропил)этилендиамин молекуласининг кристалл тузилиши рентген анализ усулида аниқланиб, унинг ТИФ ТН бўйича код рақами ишлаб чиқилган;

N,N-бис(α -цианизопропил)этилендиаминни турли реакцион муҳитда кислота ангидридлари билан таъсирлашганда реакция шароити ҳамда ангидридларнинг тузилишига қараб моно- ёки бис ацил ҳамда бензоил маҳсулотлари ҳосил бўлиши аниқланган;

N,N-диметиламино-бис(α -цианбензил)этилендиаминлар ва унинг янги ҳосилалари синтез қилишнинг самарали усули аниқланган;

илк бор α -аминонитриллар қаторида молекуласида фармакофор гуруҳ тутган ўсимликларни ўстирувчанлик хоссасига эга бўлган биологик фаол модда синтези ва унинг ўстирувчанлик хусусияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйдагилардан иборат:
биологик фаол α -аминонитриллар ва улар ҳосилаларининг синтези бўйича самарали усуллари яратилган;

синтез қилиб олинган α -аминонитрилларга ТИФ ТН бўйича код раками ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллашга тавсия этилган;

N,N-бис(α -цианизопропил)этилендиаминни турли реакцион муҳитда кислота ангидридлари билан таъсирлашганда реакция шароити ҳамда ангидридларнинг тузилишига қараб моно- ёки бис ацил ҳамда бензоил ҳосилалари олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

олиб борилган лаборатория ва дала тадқиқотлари натижасиди α -аминонитриллар қаторида “Олтин куз” самарали ўстирувчанлик хусусиятига эга бўлган моддалар борлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматографик (юпка қатламли хроматография, колонкали), биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, α -аминонитриллар ва уларнинг айрим ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида ташқи иктисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича таснифланган ва тегишли код рақамлари тавсия қилиш, замонавий квант-кимёвий усуллар ёрдамида аминонитриллар ва уларнинг айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, таутомериясини асослаш, аминонитрилларни ациллаш ҳамда бензоиллаш реакцияларида реакция унуми реакцияга киришувчи реагентларнинг тузилиши ва табиатига боғлиқ ҳолда ўзгариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, замонавий квант-кимёвий усуллар ёрдамида назарий жиҳатдан кимёвий жараёнларни юқори аниқликда моделлаштириш орқали илмий изланувчи ва тадқиқотчиларнинг қимматли вақтлари ва моддий ресурсларини тежашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. α -Аминонитриллар ва уларнинг айрим ҳосилаларининг самарали синтез усуллари, модификацияси ва биологик хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

металлар коррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши α -аминонитриллар ва улар ҳосилалари “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг 2019 йил 22 майдаги 689/ГК-19-05 маълумотномаси). Натижада, N,N'-бис-(α -цианизопропил) этилендиамин бирикмаси металл конструкциялари ва қурилмаларининг эксплуатацион муддатларини бир неча марта ошириш имконини берган;

α -аминонитриллар ва уларнинг айрим ҳосилаларининг самарали синтез усулларини, модификациясидан №ИЮТ-2016-21 « α -Аминонитриллар асосида юқори самарали биологик фаол бирикмалар синтези» мавзусидаги инновацион лойиҳасида янги α -аминонитриллар ва уларнинг ҳосилаларидан биологик фаол моддалар синтез қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2434-1330-сон маълумотномаси). Натижада, биологик фаоллиги бўйича ғўза экиннинг ҳосилини 5-7 ц/га ошириш имконини берган;

синтез қилинган янги биологик фаол бирикма кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича синфланиб, “N,N'-бис-(α -цианизопропил) этилендиамин ва ҳосилалари” учун – 2926 90 980 1 янги код рақами Давлат божхона қўмитасининг «2022 йил амалиётга жорий этиш рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 7 январдаги 1/16-005-сон маълумотномаси). Натижада, экспорт ва импорт қилинадиган биостимуляторларни тўғри таснифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола хорижий илмий журналларда, 1 та мақола Республика микёсидаги илмий журналда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши кўрсатилган. Нашр этилган илмий натижалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ташки иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар уйғунлашган тизим (УТ)га асосланган ҳолда ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларига мувофиқ таснифланиши бўйича хулосалар чиқарилган.

Олинган бирикмаларнинг ТИФ ТН асосида товар код рақамлари Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси амалиётига қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ацетонциангидринларни циангидридларнинг карбонил бирикмалар билан, шунингдек, аминлар ва цианид кислота тузларининг реакцияларидан олиш мумкин. Уларни олишнинг яна бир услуби α -аминоизобутиронитрилларнинг оксобирикмалар билан кимёвий реакцияси ҳисобланади.

Циангидринлар ва аминлардан α -аминонитриллар олиш усулларининг оптимал ҳолатларини топиш, реакциянинг боришига эритувчи табиатининг, ҳароратнинг ҳамда реакция натижасида ажралиб чиқаётган сувнинг реакция маҳсулотларининг унумига таъсирини ўрганиш катта назарий ва амалий кизиқиш уйғотади.

Диссертациянинг “ α -Аминонитрилларнинг олиниш усуллари ва уларнинг кимёвий ўзгаришлари” номи биринчи бобда α -аминонитриллар ва уларнинг ҳосилаларининг синтези ва улар қаторида юқори биологик фаолликка эга бўлган, ўсимликларни ўстирувчи кимёвий бирикмалар, фунгицид ва гербицидлар аниқланган кимёвий бирикмалар тўғрисида маълумотлар атрофлича муҳокама қилинган. Биз ўрнанаётган α -аминонитриллар қаторида ҳам юқори биологик фаолликни намоён қилган бир қанча бирикмалар олинди. Бундан ташқари, аминонитриллар ва уларнинг турли ҳосилаларининг синтез усуллари оид ҳозирги давр илмий адабиётларининг танқидий таҳлиллари келтирилган. Ҳозирги вақтда “Товарлар кимёси” фанининг амалиётга тадбиқ этилиши туфайли товарларга халқаро код рақамларини кимёвий таркиби асосида тўғри белгилаш жуда катта иқтисодий самаралар бермоқда.

Диссертациянинг “Молекуласида фармакофор гуруҳ тутган α -аминонитриллар синтези ва илмий тадқиқот усуллари” номи иккинчи бобда тадқиқотни ўтказиш учун зарурий хом-ашёлар ва синтез усуллари танлови шакллантирилган. Ушбу бобда дастлабки моддалар синтези яъни ацетонциангидрин ва бензальдегидциангидринлар ҳамда уларнинг турли аминлар билан реакциялари ўрганиб чиқилган.

Реакциянинг экзотермик равишда боришини олинган аминларнинг асослилиги юқорилиги ҳамда ацетонциангидриннинг кислоталик хоссаси юқорилиги билан тушунтириш мумкин.



I. $\text{R}=\text{CH}_3$; II. $\text{R}=\text{C}_2\text{H}_5$

Юқоридаги реакцияларга аналогик равишда N-(α -цианизопропил)диметиламин ва N-(α -цианизопропил)диэтиламинларнинг синтези ҳам хона ҳароратида олиб борилди.




III. $\text{R}=\text{R}^1=\text{CH}_3$; IV. $\text{R}=\text{R}^1=\text{C}_2\text{H}_5$

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар иккала реакция маҳсулотларини юқори унумларда олишга эришилди.

Ацетонциангидриннинг гетероциклик (морфолин, пиперидин) тузилишга эга бўлган аминлар билан реакцияларини тадқиқ қилиш, олинадиган бирикмаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш нуқтаи назаридан катта амалий қизиқиш уйғотади. Реакцияни хона ҳароратида олиб борилганда синтез қилинган α-аминонитрилларнинг унуми юқори бўлмади. Шунинг учун ушбу реакцияларни ўтказиш учун махсус усул ишлаб чиқилди.


N,N-бис(α-цианизопропил)этилендиаминни ацетонциангидрин ва этилендиаминдан синтез қилиш усули адабиётда маълум. Ушбу α-аминонитрилни этилендиаминнинг сувдаги эритмаси ва калий цианиддан, шунингдек, этилендиамин билан ацетонциангидриннинг ўзаро таъсиридан олиш мумкин.



Адабиётларда моноаминонитриллар (VII) туғрисида умуман маълумотлар учрамайди. Ўзида озод аминогруҳ тугган α-аминонитриллар назарий жиҳатдан қизиқарли ҳисобланади.

Ацетонциангидриннинг этилендиамин билан реакцияси икки йўналишда бориши мумкин. Биринчи ҳолатда моно α-аминонитрил VII, иккинчи ҳолатда эса бис α-аминонитриллар VIII ҳосил бўлади.

Ушбу бирикмаларнинг молекуласи таркибида ароматик халқа, шунингдек, NH ва CN функционал гуруҳларининг мавжудлиги уларни кимёвий синтез нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлишини кўрсатади. Реакция куйидаги схема асосида боради:



IX. X=H; X. X=о-СН₃; XI. X=п-СН₃; XII. X=п-ОСН₃

Маълумки, анилиннинг асослилик даражаси алифатик аминларга нисбатан анча паст кўрсаткичга эга.

Моно- ва бис- α -аминотрилларнинг баъзи физик-кимёвийтавсифлари

Бирикма	Унум, %	$T_{\text{суюк}}$, °C	R_f	Мол. оғирлик	Брутто формула
I	2	3	4	5	6
I	83	105-107 (10мм с. уст.)	0.86	98	$C_5H_{10}N_2$
II	86	110-112 (10 мм с. уст.)	0.72	112	$C_6H_{12}N_2$
III	88	120-122 (10 ммс. уст.)	0.67	127	$C_6H_{12}N_2$
IV	94	132-134 (10 ммс. уст.)	0.52	140	$C_8H_{16}N_2$
V	86	74-75	0.77	152	$C_9H_{16}N_2$
VI	85	84-85	0.68	138	$C_8H_{14}N_2$
VII	89	53-55	0.50	127	$C_6H_{13}N_3$
VIII	94	47-48	0.41	194	$C_{10}H_{18}N_4$

Реакция давомида ажралиб чиқаётган сувни реакцион аралашмадан чиқариб юбориш реакция маҳсулоти унумини 13-14% га ошириши аникланди. Бу эса ушбу реакцияни схемада келтирилганидек қайтар реакция эканлигини кўрсатади.

Олинган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, реакцион аралашма ҳароратининг кўтарилиши билан маҳсулотнинг унуми ортиб боради (2.4-жадвал).

Анилин ҳосилалари (о-, п-толуидинлар, п-анизидин), яъни ўзида электрондонор гуруҳлар тутувчи аминлар, анилинга каби кучсиз асос ҳоссагини намоён қилади, лекин уларнинг асослилик ҳоссалари анилинга нисбатан кучлироқ ифодаланаяди.

Ароматик амин сифатида о-толуидин ишлатилганда реакция маҳсулоти α -толиламиноизобутиронитрилнинг ҳосил бўлиш унуми унинг ҳосилалари ҳисобланган - п-толуидин ва п-анизидин қўлланилгандагига нисбатан кам бўлди (2.4-жадвал).

IX-XII Моддалар ИҚ - спектрларининг ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг барчасида NH-группага хос $3200-3328 \text{ см}^{-1}$ да интенсив ютилиш чизиклари, ҳамда CN –группанинг валент тебранишларига мос бўлган. $2220-2229 \text{ см}^{-1}$ соҳада интенсив спектрал чизиклари мавжуд.

Бензальдегидциангидрин таркибида ароматик ҳалқа тутиши билан бошқа циангидринлардан фарқ қилади. Шунинг учун унинг ҳам аминлар билан реакцияларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

α-Ариламиноизобутиронитрилларнинг баъзи бир физик-кимёвий тавсифлари

Бирикма	Унум, %	T _{суюқ} , °C	R _f	Мол. Огирлик	Брутто формула
IX	58	78-79	0.34	160	C ₁₀ H ₁₂ N ₂
X	63	88-90	0.53	174	C ₁₁ H ₁₄ N ₂
XI	69	73-74	0.49	174	C ₁₁ H ₁₄ N ₂
XII	75	47-48	0.65	190	C ₁₁ H ₁₄ N ₂ O

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бензальдегидциангидриннинг бирламчи ва иккиламчи алифатик аминлар билан реакцияси унумига эритувчининг табиати сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

Бензальдегидциангидрин бирламчи ва иккиламчи алифатик аминлар яъни метил- ва этиламинлар билан ўзаро осон реакцияга киришади.



XIII. R=CH₃; XIV. R=C₂H₅

Олинган реакция маҳсулотлари α-метил- ва α-этиламинофенилацетонитриллар(XIII, XIV бирикмалар) адабиётларда маълум бўлса-да, улар биологик фаолликларини ўрганиш мақсадида синтез қилинди.

Маълумки, иккиламчи алифатик аминларнинг (диметиламин, диэтиламин) асослилик хоссалари бирламчи аминларнинг асослилик хоссасига нисбатан кучли ифодаланган.

Шунинг учун уларнингбензальдегидциангидрин билан реакциялари янада осон бориши, шунингдек, маҳсулотларнинг унумлари ҳам юқори бўлишини кутиш мумкин.



XV. R=R¹ = CH₃; XVI. R=R¹ = C₂H₅

Тадқиқотлар давомида юқоридаги хулоса ўз тасдиғини топди, яъни реакция жуда қисқа вақт оралиғида (бир неча минут давомида) тўлиқ содир бўлиб, юқори унумлар билан реакция маҳсулотларини олиш имконини берди.

Баъзи бир алмашинган α -аминофенилацетонитрилларнинг физик-кимёвий тавсифлари

Бирикмалар	Унум %	$T_{\text{суюқ. ёки } T_{\text{қай.}} , ^\circ\text{C}$	R_f	Мол. оғирлик	Брутто формула
XIII	89	126-128 (10 ммсим. уст.)	0.63	146	$\text{C}_9\text{H}_{10}\text{N}_2$
XIV	93	138-140 (10 ммсим. уст.)	0.72	160	$\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2$
XV	88	118-120 (10 ммсим. уст.)	0.53	160	$\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2$
XVI	95	140-142 (10 ммсим. уст.)	0.58	188	$\text{C}_{12}\text{H}_{16}\text{N}_2$
XVII	83	56-58	0.82	200	$\text{C}_{13}\text{H}_{16}\text{N}_2$
XVIII	86	64-65	0.87	202	$\text{C}_{12}\text{H}_{14}\text{N}_2\text{O}$
XIX	88	108-110	0.75	290	$\text{C}_{18}\text{H}_{18}\text{N}_4$


Олдин қайд этилганидек, ацетонциангидриннинг иккиламчи циклик аминлар, яъни пиперидин ва морфолинлар билан ўзаро реакцияси хона ҳароратида олиб борилганда ижобий натижаларга эришилмаган эди. Натижада реакция маҳсулотини 83-86% унумлар билан олишга муваффақ бўлинди.



XVII. $\text{X}=\text{CH}_2$; XVIII. $\text{X}=\text{O}$

Олинган бирикмаларнинг XIII-XVIII ИҚ-спектрларида нитрил гуруҳининг валент тебранишлари $2223\text{-}2226\text{ см}^{-1}$ соҳада, NH-гуруҳнинг валент тебранишлари эса спектрнинг $3260\text{-}3328\text{ см}^{-1}$ соҳаларида кузатилади.

Бензальдегидциангидринни этилендиамин билан ўзаро реакцияси хона ҳароратида жуда осон ва тез, экзотермик ҳолатда қуйидаги схема бўйича бориши кузатилади:



N,N-бис- α -цианбензилэтилендиамин (XIX) ни олиш реакциясида юқори унумлар билан реакция маҳсулотининг ҳосил бўлиши кузатилади.


Бензальдегидциангидриннинг турли ароматик аминлар билан реакциялари ҳам тадқиқ этилди. Реакцияда ароматик амин компоненти сифатида анилин, *o*-, *n*-толуидинлар ва *n*-анизидин ишлатилди.

4 – жадвал.

α -Ариламинофенилацетонитрилларнинг баъзи бир физик-кимёвий тавсифлари

Бирикма	Маҳсулот унуми, %	T _{суюқ} , °C	R _f	Мол. Оғирлиги	Брутто формуласи
XXII	63	82-84	0.90	208	C ₁₄ H ₁₂ N ₂
XXIII	68	108-109	0.58	222	C ₁₅ H ₁₄ N ₂
XXIV	71	104-105	0.64	222	C ₁₅ H ₁₄ N ₂
XXV	78	99-101	0.89	238	C ₁₅ H ₁₄ N ₂ O


Олинган XXII-XXV бирикмаларнинг масс-спектрида юкори бўлмаган молекуляр ион сингаллари кузатилади.



XX. X=H; XXI. X= *o*-CH₃; XXII. X= *p*-CH₃; XXIII. X= *p*-OCH₃

Юкорида келтирилган α -моноаминонитрилни ациллаш реакцияларини сирка кислота ангидриди ва бензой кислота ангидридлари билан олиб борилди.

Реакцияга киришувчи реагентлар α -аминонитриллар ҳамда кислота ангидридлари нисбатини 1:1 моллар нисбатида ишлатилганда моноацилмаҳсулот ва бунда реакция асосан озод аминогруҳга бориши кузатилди.



Реакцияга киришувчи реагентларни 2:1 мол нисбатида олинганда реакция маҳсулоти сифатида бис-ацилмаҳсулот ҳосил бўлиши кузатилди.

N-моно(α -цианипропил)этилендиаминни сирка кислота ангидриди билан реакциясини 1:2 мол нисбатида олиб борилганда моноацетилмаҳсулот

N-бисацетил-N',-(α -цианизопропил)этилендиамин (XXVIII)ни юкори унумларда ҳосил бўлиши кузатилди (5-жадвал).


5-жадвал

N-моно-(α -цианизопропил) этилендиаминни моно- ва бис-ацилҳосилаларининг баъзи бир физик-кимёвий тавсифлари

Бирикмалар	Маҳсулот унуми, %	T _{суюқ} , °C	R _f	Мол. оғирлиги	Брутто формуласи
XXIV	78	150-152	0.43	169	C ₈ H ₁₅ N ₃ O
XXV	76	172-174	0.62	211	C ₁₀ H ₁₇ N ₃ O ₂
XXVI	75	161-162	0.53	231	C ₁₃ H ₁₇ N ₃ O
XXVII	79	254-256	0.55	335	C ₂₀ H ₂₁ N ₃ O ₂

Реакцияга киришувчи реагентлар 1:1 мол нисбатида олинганда юкори унумлар билан N-бензоил-N',-(α -цианизопропил)этилендиамин (XXVI) ҳосил бўлиши кузатилди. Реакцияга киришувчи реагентларни 1:2 моллар нисбатида олинганда ҳамда реакцияни эритувчининг кайнаш ҳароратида олиб борганимизда юкори унумлар билан N,N'-дибензоил-N-(α -цианизопропил)этилендиамин (XXVII) ҳосил бўлиши аниқланди.

N,N'-бис-(α -цианизопропил)этилендиамин бирикмасининг бирламчи биологик фаоллигини ўрганиш натижасида унинг юкори стимуляторлик хоссаси мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун унинг турли хил ҳосилаларини олиш мақсад қилиб қўйилди. Бунинг учун эса N,N'-бис-(α -цианизопропил)этилендиаминнинг турли кислота ангидридлари билан реакциялари тадқиқ этилди.




N,N'-бис-(α -цианизопропил)этилендиаминнинг кислота ангидридлари билан реакцияларида сирка кислота ангидридан фойдаланилди.

Реакция сирка кислота ангидриди билан олиб борилганидек шароитда ўтказилганда, юкори унумлар билан (77%) N-монобензоил-N,N'-бис-(α -цианизопропил)этилендиамин(XXX),N,N'-бензоилбис-(α -цианизопропил)-этилендиамин (XXXI) ҳосил бўлиши кузатилди (6-жадвал).

Баъзи бир α -аминотриллиларнинг моно- ва бис-ацил маҳсулотларнинг физик-кимёвий тавсифлари


Бирикмалар	унуми,%	$T_{\text{суюқ}}^{\circ}\text{C}$	R_f	Мол. оғир.	Брутто формуласи
XXVIII	75	162-164	0.65	236	$\text{C}_{12}\text{H}_{20}\text{N}_4\text{O}$
XXIX	80	174-175	0.78	278	$\text{C}_{14}\text{H}_{22}\text{N}_4\text{O}_2$
XXX	77	150-152	0.46	298	$\text{C}_{17}\text{H}_{22}\text{N}_4\text{O}$
XXXI	82	245-247	0.38	402	$\text{C}_{24}\text{H}_{26}\text{N}_4\text{O}_2$

N,N -бис- α -(цианизопропил)этилендиаминнинг монокристаллари ўстирилиб, рентген тузилиш тахлили усулида молекуланинг кристаллографик характеристикаларини ўрганишга эришилди.



1-расм. N,N -бис- α -(цианизопропил)этилендиамин молекуласининг фазовий тузилиши.


Рентген тузилиш тахлили учун модданинг монокристаллари N,N -бис- α -(цианизопропил)этилендиамин эритмасидан хона температураси секин буглатиш йўли билан ўстирилди.



2-расм. Кристаллда молекулалараро водород боғланиш.

Элементар ячейка параметрлари ва дифракцияланган рентген нурулар интенсивликлари CCD Xcalibur Ruby (Oxford diffraction) дифрактометрида аниқланди.

N-(α -Циан-N,N'-диметиламинобензил)метиламин (XXVII), N-(α -Циан-N,N'-диметиламинобензил)диметиламин (XXVIII)ни олиниш усуллари ушбу тадқиқотгача адабиётларда маълум эмас эди.



N-(α -Циан-N,N'-диметиламинобензил)этиамин (XXIX) ва N-(α -Циан-N,N'-диметиламино-бензил)диэтиламин (XXX) олишга эришилди.

7-жадвал

Синтез қилинган α -аминотрилларнинг физик-кимёвий тавсифлари

Бирикмалар	Унуми, %	T _{эриш} , °C	R _f	Мол. оғирлиги	Брутто формуласи
XXXII	83	76-78	0.60	177	C ₁₁ H ₁₄ N ₃
XXXIII	85	84-85	0.68	191	C ₁₂ H ₁₆ N ₃
XXXIV	86	83-84	0.72	207	C ₁₂ H ₁₇ N ₃
XXXV	92	96-97	0.66	231	C ₁₄ H ₂₁ N ₃

Шуни таъкидлаш керакки, реакция маҳсулотлари юқори унумларда олинди.

α -Аминотриллар ва уларнинг ҳосилалари ТИФ ТН нинг VI бўлимида органик бирикмалар қаторига киритилган. α -Аминотриллар ва уларнинг ҳосилаларининг биз томонимиздан ўрганилган бирикмаларига қуйидаги янги товар кодлари тақлиф этилди.

2926	-бирикмалар, ўзида нитрил функционал гуруҳини тугган:
292690980 0	-бошқалар
292690980 1	- α -аминотриллар ва уларнинг ҳосилалари
292690980 9	-бошқалар

Синтез қилинган α -аминотриллар асосидаги товар ҳолдаги бирикмаларнинг биологик фаоллиги, 2019 йилда 3 та фермер хўжаликларда ҳар бирида 5 га дан жами 15 га даги ғўзанинг вегетация даврида “Олтин куз” препарати билан ишлов берилган майдонларда ўртача 34 ц/га ҳосил олинган.

Текширилаётган стимуляторлар эритмаси билан ишлов берилган ғўзанинг ўсишини ўрганиш бўйича олинган натижалар (2020 йил).

№	Тажриба вариантлари	Ўлчаш тартиби бўйича ғўза бўйи, см				Фарк		Назоратга нисбатан, %	Эталонга нисбатан, %
		11.05	15.05	19.05	13.05	см	%		
1	Назорат	90.1	92,4	94,1	95,9	5,9	0,9	0,0	-0,6
2	Учкун	90,4	92,5	94,2	96,5	6,5	10,7	0,6	0,0
3	Олтин куз	90,1	92,5	95,9	96,7	6,9	11,5	+1,0	+0,8

Уни назоратга нисбатан 6,4 ц/га, эталонга нисбатан 1,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди.

Диссертациянинг “Биологик фаол α -аминонитрилларнинг олиниш усуллари” номли учунчи бобида турли тузилишга эга бўлган α -аминонитрилларнинг олиниш усуллари ва уларга тегишли бўлган баъзи бир физик-кимёвий тавсифлари келтириб ўтилган.

ХУЛОСАЛАР

“ α -Аминонитриллар синтези ва уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Моно- ва ди- α -аминонитриллар синтези ва уларнинг кимёвий ўзгаришлари бўйича систематик равишда тадқиқотлар олиб борилди.

2. α -Аминонитрилларнинг кимёвий таркиби ва электрон тузилиши квант-кимёвий ҳисоблаш усулларида тадқиқ этилди, N,N-Бис(α -цианизопропил)этилендиамин ва унинг ҳосилалари учун янги 2926909801 товар коди тақлиф этилди.

3. Аминонитриллар қаторида моно- ва бис- α -аминонитриллар, шунингдек, уларнинг моно- ва бис-ацил(бензоил) ҳосилаларини олишнинг мақбул йўллари тавсия этилди.

4. Биринчи маротаба N,N-Бис(α -цианизопропил)этилендиаминнинг турли реакцион муҳитда сирка кислотаси ангидриди ва ацетил хлорид билан ўзаро таъсири реакция шароити ҳамда ангидридларнинг тузилишига боғлиқ ҳолда моно- ёки бис-ацил ҳосилаларга олиб келиши исбот қилинди.

5. Илк маротаба N,N-бис(α -цианизопропил)этилендиаминнинг турли реакцион муҳитда бензой кислотаси ангидриди ва бензоил хлорид билан ўзаро таъсири натижасида юқори унумлар билан реакция маҳсулотлари ҳосил бўлиши исботланди.

Ўрганиш давомида, ушбу бирикманинг молекулалараро водород боғи оркали димер ҳосил қилиши аниқланди.

7. α -Аминонитриллар асосида олинган “Олтин куз” препарати ғўза экинининг ҳосилдорлигини ўртача ҳар гектар ердан қўшимча равишда 5-7 центнергача ошириши аниқланди.

8. “Олтин куз” препарати ғўза экинининг ҳосилдорлигини қишлоқ хўжалигида ишлатишга тавсия этилган “Учқун” препаратига нисбатан 1.0-2.0 ц/га ошириши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.05.01
ПО ПРУСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЧУЛИЕВ ЖАМШИД РУЗИБОВИЧ

**СИНТЕЗ α -АМИНОНИТРИЛОВ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ НА
ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА**

**02.00.09-Химия товаров
02.00.10-Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/K258

Диссертация выполнено в Андижанском государственном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размешен на веб-странице Научного совета (www.edu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители:	Кодиров Абдухад Абдурахимович Кандидат химических наук, доцент Мамарахмонов Мухаматдин Хомидович PhD, доцент
Официальные оппоненты	Абдуллаев Шавкат Вахидович доктор химических наук, профессор Ахмадалиев Махамаджон доктор химических наук, доцент
Ведущая организация	Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится «03» 03 2022 года в 14⁰⁰ часов, на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана., ул. Мурабийлар, 19. Тел: (99873) 244-44-02, факс (99873) 244-44-91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганском государственного университета (регистрационный номер № 151). (Адрес: 150100, г. Фергана., ул. Мурабийлар, 19. Тел: (99873) 244-44-02, факс (99873) 244-44-91), e-mail: fardu_info@umail.uz

Автореферат диссертации разослан « » _____ 2022 года.
(№ реестра протокола рассылки от « » _____ 2022 года.)



Хужаев В.У.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор химических наук, профессор

М.Ё. Имомова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по химическим наукам (PhD)

Ш.В.Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор химических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире химические средства защиты растений и использование химических препаратов в сельском хозяйстве для роста растений является одним из основных способов получения высоких урожаев этих культур. Биологически активные стимуляторы, синтезированные химическими способами, повышают устойчивость растений к различным заболеваниям и неблагоприятным погодным условиям, создают прекрасную основу для раннего созревания сельскохозяйственных культур и повышают урожайность. В настоящее время представляет важный интерес обеспечение внутреннего рынка страны и внешний рынок с высококачественными продуктами сельского хозяйства за счет использования химически синтезированных препаратов.

В мире к числу азотосодержащих соединений относятся α -аминонитрилы и ведутся научные исследования по изучению их структуры и биологически активных свойств на их основе. В связи с этим уделяется особый интерес определению химического состава новых биологически активных веществ, полученные на основе α -аминонитрилов и предложить новый товарный код, используемый в Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД).

В Республике в последние годы проводятся практические работы по использованию и разработке биологически активных и экологически безвредных препаратов и обеспечению населения сельскохозяйственными продуктами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена важные задачи, направленные на «стимулирование исследований и инноваций, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений, обеспечения жизни люди в экологически безопасной среде». Исходя из этих задач, исследовательская работа направлена на синтез нового поколения биологически активных препаратов на основе α -аминонитрилов, с высокой биологической активностью в защите экономики и здоровья населения, присвоение им соответствующих кодовых номеров согласно ТН ВЭД.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 12 апреля 2017 г. № ПП-2884 «О мерах по совершенствованию структуры управления АО «Узкимёсаноат»», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. №ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»², а также других нормативных правовых актах.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнялась в

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 « О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология» а также VII «Химические технологии и нанотехнологии».

